

Бердиева Зухра Шукуровна

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фундаментал кутубхона
директори.

Аннотация: Ўзбекистон илм-фани ривожининг келугси тараққиёти учун хизмат қиласидиган, ҳисса қўшидиган ёши авлоднинг, илмий ходимларнинг талаб ва қизиқишиларини тўла, сифатли ва самарали қондиришидан иборат.

Калим сўзи: китоб, китобхон, фаолият, муассаса, фойдаланувчи

Ўзбекистон Республикаси ФА Асосий кутубхонаси 1933 йилда ташкил этилган бўлиб, ўзининг 90 йиллик фаолияти давомида илмий адабиётга бой фонди ёрдамида Ўзбекистон илм-фанининг ривожига катта ҳисса қўшиб келди.

Дастлабки ташкил топган йили 10 та ходим 39 422 нусха адабиёт билан 300 нафар китобхонга хизмат кўрсатган бўлсалар, бугунги кунда Асосий кутубхонанинг фонди 4,5 млнга яқин нусхадан иборат, ходимларимиз эса 71,5 тани ташкил этади, китобхонларимиз сони йил давомида 33 мингдан ортиқ ва уларга йил давомида 1 миллиондан ортиқ илмий адабиёт бериш билан хизмат кўрсатилади. Кутубхонадан фойдаланадиган китобхонлар гурухининг асосий қисмини ФА тизимидағи илмий муассасаларнинг илмий ходимлари, олий ўқув юрти ўқитувчилар гуруҳи, аспирантлар, магитстр ва талабалар ташкил этади.

Кутубхона фаолияти давомида кўплаб кўзга кўринган кутубхонашунос ва олимлар кутубхона фаолиятини бошқариб келди. Унинг биринчи раҳбари Ахмед Ибрагимович Агеев кўзга кўринган кутубхонашунос ва библиограф бўлиб, 1934-1935 йиллар кутубхонани бошқарди. Бу даврда асосий вазифа китобхонлар талабидан келиб чиқсан ҳолда кутубхона фондини ташкил этиш, бойитиш ва уни каталогглаштиришдан иборат бўлган. Кутубхона

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

раҳбариятининг асосий эътибори кутубхона ишини тўлақонли ташкил этишдан иборат эди.

1935 йилга келиб чет эл давлатларининг илмий кутубхоналари ва музейлари билан нашр алмашиш йўлга қўйилди. 1936 йилдан бошлаб кутубхонада Фанлар қўмитасининг барча нашрларидан мажбурий нусха олиш ва кейинчалик барча нашриётлар ва босмахонларнинг нашрларидан мажбурий нусха олиш йўлга қўйилди. Кейинги раҳбари Тамара Николаевна Крылова 1936-1958 йиллар кутубхонани бошқарди ва кейинчалик биринчилардан бўлиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими увонига сазовор бўлди.

1937 йилдан кутубхонанинг таркибий тузилмалари шакллантирила бошланди, биринчи марта китоб кўргазмаси ташкил этилди. Шу йили адабиётларни жамлаш бўлими; адабиётларга ишлов бериш бўлими; китобхонларга хизмат кўрсатиш ва фондлар бўлими битта бўлим сифатида иш олиб борди. Хизмат кўрсатиш бўлими қошида ўқув заллари ташкил топди.

1943 йили Иттифоқ Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиали Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси сифатида қайта ташкил этилиши билан кутубхона Ўзбекистон Фанлар академиясининг **Асосий кутубхонаси** деб юритила бошланди. ФАнинг асосий вазифаси этиб, Ўзбекистон илм фани ривожини тўғри белгилаб бериш, бошқариш, республика илмий-тадқиқиот институтлари фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириб бориш, илмий кадрлар етиштиришдан иборат эди. Албатта, илм фан ривожида, илмий кадрлар билан ишлашда, уларнинг илмий-тадқиқиот фаолиятларида кутубхоанинг ўрни ва роли жуда катта эди. Шу жиҳатдан ҳам кутубхона фаолияти илмий кадрлар учун зарур адабиётларни тўплаш, сақлаш ва уларни хизматга йўналтириш бўлган.

1944 йили АК Иттифоқда нашр этилаётган илмий адабиётларнинг мажбурий нусхасини оладиган кутубхоналар рўйҳатига киритилади. Шу йилдан бошлаб чет давлатларнинг адабиётларига обуна бўлиш ва сотиб олиш учун кутубхонага валюта ажратила бошланади ва 10 404 нусха адабиёт сотиб

олинади.

1954 йилдан бошлаб АҚда Ўзбекистонлик олимларнинг библиографик кўрсаткичлари, 1956 йилдан “Ўрта Осиё хорижий нашрларда” (мақолалар) картотекаси тузилиб нашр этила бошланди. Турли хил муҳим мавзуларда ретроспектив , кундалик библиографик кўрсаткичлар тузилади.

АҚ 1958 йилдан юридик мақомга эга бўлди ва мустақил ташкилот сифатида иш юрита бошлади.

1960 йилдан библиографик кўрсаткичларнинг махсус фонди ташкил этилди ва Фанлар академияси тизимидағи институтларнинг кутубхоналариға илмий-услубий ёрдам бошланди ҳамда 1961 йилда Методик кенгаш ташкил этилди.

1962 йилда биринчи марта кутубхонада Чехославакия ФА кутубхонаси, Венгриядаги Сеченов номли кутубхона, Болгария ФА Марказий кутубхонаси, Англия Марказий миллий кутубхонаси билан ҳамкорликда кутубхоналарро абонемент ва халқаро журнал шўъбаси очилди. 1962 йил Ўзбекистонда биринчи бўлиб Асосий кутубхона билан 4 та йирик ривожланган давлатларнинг 4 та ташкилоти- Чехословакиянинг ФА кутубхонаси, Сеченов номидаги Венгрия Давлат кутубхонаси, Болгария ФАнинг марказий кутубхонаси ва Англия марказий миллий кутубхонаси ўртасида Халқаро кутубхоналарро абонемент иш бошлади.

1958-2000 йилларда Асосий кутубхонага шарқшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Умаров Наби Ғаниевич раҳбарлик қиласи.



Расмда: чапдан- Наби Ғаниевич Умаров, А.Агеев.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

1963 йили кутубхонамизга Тошкент шаҳри кутубхоналарини хорижий адабиётлар билан тўлдириб бориш бўйича **бош кутубхона** вазифаси топширилди ва кутубхона ана шу адабиётларнинг йиғма каталогини юрита бошлади, шу билан бъирга Тошкент шаҳар кутубхоналари ўртасида чет эл нашрларига обунани мувофиқлаштирувчи муассасага айлантирилди.

1983 йил кутубхона олимлар шаҳарчасига- Фанлар академияси учун махсус лойиҳа асосида қурилган бинога кўчиб ўтди.



Асосий кутубхона 1983 йилдан то шу кунга қадар шу бинода фаолият юритмоқда.

Бинонинг очилишида ўша пайтдаги ҳукумат раҳбарлари иштирок этди ва бу қуйидаги суратда акс эттирилган.



Бинонинг ўзига хос хусусиятларидан бири махсус лойиҳа асосида фақат кутубхона учун мўлжалланганида. Ўша пайтда Ленинград вилоятининг Виборг шаҳрида туман кутубхонаси учун мўлжаллаб қурилган бинонинг кўрки Ш. Рашидов назарига тушиб ва ёқиб қолгани учун айнан ана шу лойиҳа асосида Фанлар академиясининг Фундаментал кутубхонасига мўлжаллаб қурилади. Бинонинг ертўла қисми китоб фонидга ажратилган. Чунки, ертўла

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

қисми 2 қаватли(ярусли) ҳудуддан иборат бўлиб, ҳозирги кунада унга 4 миллиондан ошиқ китоб фонди жойлашган. СВ 1, СВ-2 маҳсус темир стеллажлар (токчалар) Саратов заводининг мутахассислари томонидан ўрнатилган, кейин 2-3 қаватлар қурилган. Бу стеллажлар жуда катта оғирликни кўтаришга мўлжалланган. Бундай стеллажалар ҳозирги кунда бирорта кутубхонада мавжуд эмас. Ҳар бир қатор китоб фондининг иқлимини меъёрида ушлаб турувчи, шамоллатиб турувчи, китобларни тозалаб турувчи маҳсус қурилмалар билан жиҳозланган эди. Афсуски, тозалаб турувчи пилесослар бирор марта ҳам ишлатилмаган. Бундан аввал кутубхона ўша пайтдаги Гагарин номли паркнинг бурчагида кичкинагина 2 қаватли бинода эди. Бинонинг яна тбир хусусияти ёзда салқин, қишида иссиқ бўлишида. Дастреб турилган жуда яхши ишлаган. Йиллар ўтиб, бинонинг таъмири эскирди, турли хил қурилмалар олиб ташланди, ишда чиқди. 2012 йили таъмирлаш ишлари бошлангандан сўнг турли қурилмалар, тизимлар жойлаштирилган ёрдамчи 2 қаватли бино бузиб ташланди, таъмирлаш ишлари тўхтаб қолди. Шу сабаб исистиш, совутиш, шамоллатиш, тозалаш ишлари ҳам издан чиқди. Ҳозирги кунда ҳам таъмирлаш ишлари охирига етгани йўқ. Умидимиз таъмирлаш ишлари тезроқ якунига етиб, китобхонларимиз учун замонга мос, уларнинг барча талаб ва эҳтиёжларини қондирадиган ибнога эга бўлиш.

1991 йилга келиб чет эл адабиётларини харид қилиш учун ажратилаётган лимит тўхтатилади, шу йилдан бошлаб ҳамкор ташкилотлар билан эквивалент асосида адабиёт айирбошлиш ишлари бошланиб бугунги кунгача давом этмоқда. Ҳозирда кутубхона 43 та ривожланган давлатларнинг 135 та ташкилотлари билан адабиёт айирбошлиш ишлари олиб боради. Булар СНГ ва Болтиқ бўйи давлатлари ҳамда узоқ чет эл давлатларининг миллий кутубхоналари, ФА кутубхоналари, миллий ва давлат университети кутубхоналари, илмий-текшириш институтлари ва илмий марказлардир.

Кўп йиллар давомида АҚ Асосий кутубхонада 1,5 мингдан ортиқ нодир адабиётлар сақланади. Унинг таркибида XVII-XIX асрларга оид илмий

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

нашрлар, “Авесто” китобининг Копенгаген университети кутубхонаси томонидан тайёрланган факсимеле нашри (10 жилдда), Туркистонлик олимларнинг ўлкамизга оид илмий коллекциялари мавжуд.

Кутубхонамиз республикада 600 минг нусхадаги чет эл илмий нашрларига эга бўлган ягона кутубхона ҳисобланади.

XX асрнинг сўнгги йилларига келиб, мамлакатимиз кутубхоналари фаолиятига компьютерлар кириб келди. Улар ёрдамида кутубхоначилик иш жараёнларини автоматлаштириш билан кутубхоначилар меҳнатини енгиллаштириш, уларнинг иш самарасини ва сифатини ошириш масалалари кун тартибига чиқди. Шу муносабат билан 1994 йилдан бошлаб АҚ республикада биринчилардан бўлиб, Россиянинг ИРБИС дастури асосида электрон каталог яратишга киришди. Ҳозирги кунга келиб, **библиографик ёзувлар сони 300 мингдан** ошди ва биз бу билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида яратилаётган йиғма электрон каталог ишида фаол иштирок этамиз. Эндиликда ретрофондимизнинг ҳам электрон каталогини яратиш ишини бошлаганмиз. 2020 йил декабрь ойидан бошлаб Жанубий Корея билан Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамкорликда бошлаган илмий лойиҳада иштирок этиб УзНЕЛ дастурига 84 000 автореферат, қўплаб энг кўп сўраладиган китоблар, диссертацияларнинг библиографик маълумотлари кимритилди, тўлиқ маълумотлар базаси яратилмовда ва улар электрон каталогга уланмоқда.

2020 йилдан бошлаб АҚ тизимида барча кутубхоналар учун услубий марказ сифатида фаолият юритиб келади, турли иш йўналишларида услубий қўлланмалар тайёрлаб тарқатади. Кейинги йилларда услубий қўлланмалар ҳам қоғоз, ҳам электрон шаклда тайёрланмоқда.

АҚ библиографлари томонидан жуда катта катта ретроспектив библиографик қўлланмалар нашр этилган ва булар ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон илм-фани ривожида, библиографияшунослик фанининг ривожланишида, библиографик ахборот маҳсулоти сифатида алоҳида ўринга эга. Улардан “Ўзбекистоннинг ҳайвонот олами”, “Ўзбекистоннинг ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси”, ”Ўрта

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

Осиё геологияси”, “Ўзбекистон географияси”, “Ўзбекистон ФА нашрлари”, “Кутубхонамиз нашрлари”, “Ўзбек тилшунослиги”, “XX ср қиссачилиги” кабиларни тилга олиб ўтиш мумкин.

Фаолияти даврида Асосий кутубхона ISIS-NIT (ISIS-NIT ва ИРБИС тизимларини ишлаб чиқувчи ва фойдаланувчи Халқаро Ассоциация), МААН (Фанлар академиялари Халқаро Ассоциацияси), Ҳамдўстлик ва Болтиқ бўйи академия кутубхоналари директорлари Кенгашларининг аъзоси, 1980 йилдан ЮНЕСКОнинг Ўзбекистонда чоп этилаётган табиий ва гуманитар фанлар бўйича нашрларининг депозитарияси сифатида дунё ахборот ва кутубхона кўрсаткичларига киритилган.

1998 йили кутубхона иш жараёнлари шу дастур асосида автоматлаштиришга ўзтиказила бошланди, китобхонларда Интернет тармоғида ишлаш имконияти яратилди ҳамда электрон почта алоқаси ишга тушди.

2001 йили ФААК Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб, республика кутубхона ходимларини ахборот технологиялари саводхонлигига ўқитишга мўлжалланган ўқув марказига эга бўлган “Автоматлаштирилган кутубхона модели” лойиҳаси доирасида иш бошлади ва 150 дан ортиқ кутубхона ходимини ўқитди.

2008 йилда ишлаб чиқилган ва Интернет тармоғига жойлаштирилган кутубхона сайти қайта шакллантирилиб янги маълумотлар билан тўлдириб борилмоқда.

Кутубхонамизда **10 мингга** яқин диссертация ва 84 мингга яқин авторефератлар мавжуд бўлиб, улардан кўплаб ёшларимиз илмий-тадқиқот ишларини бажариш жараёнида фойдаланадилар. Бугунги кунда улардан фойдаланиш самарасини ошириш мақсадида **тўла матнли маълумотлар базасини яратмоқдамиз**.

ФҚда олиб борилаётган ишларимиз Президентимиз томонидан 2006 йил 20 июнда қабул қилинган “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги ва 2011 йил 23 февралда қабул

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

қилинган “2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари негизида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматини янада такомиллаштиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорлари ҳамда 2011 йили соҳамиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ва биринчи марта қабул қилинган Ўзбекистон республикасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида” ги Қонунида белгилаб берилган вазифалар асосида ташкил этилган.

Биз кутубхонамизда Ўзбекистонлик олимларимизнинг шахсий кутубхоналарини жалб қилиш йўли билан “Академиклар фондиди”ни ташкил эта бошладик ва ҳозирги кунда китоблар сони 1000 дан ошди. Мақсадимиз: Ўзбекистон илм-фанининг ривожида улкан ҳисса қўшган олимларимизнинг бир умр йиққан китобларини кўз қорачигидай асраш, сақлаб қолиш, илм йўлига кирган ёшларимизга билим олишларида кенгроқ имкон яратиб бериш.

Мустақиллик йилларида кутубхона фаролиятини ривожлантириш йўлида мақсадли грантлар билан ишлай олди. Булар Айрекснинг ПР дастури бўйича “Америка кутубхоналари билан танишув” (2005 йил июнь ойи, Бостон), 2003-2004 йилларда “ Виртуал кутубхона. Ўзбекистон кутубхоналарини йиғма электрон каталогини тузиш бўйича кутубхоналар Консорциуми” лойиҳаси, 2002 йилда “Фанлар академияси тизими кутубхоналарининг консорциуми” лойиҳаси, 2001 йилда “Модельная автоматизированная библиотека с учебным центром” лойиҳалари бўйича иш олиб борилган. АК ходимлари 2000 йилдан буён ўтказилиб келинаётган “Фан, таълим, маданият ва бизнесда ахборот ресурслари. Марказий Осиё, 2000- Самарқанд; 2002-Бухоро; 2004-Тошкент-Самарқанд, 2006-Фарғона, 2008- Урганч; 2010-Тошкент), “Ўзгариб бораётган дунёда кутубхоналар ва ассоциациялар” (Россия-Украина, Судак, 1996,1998-2002, 2004,), “Янги технологиилар ёрдамида кутубхоналар фондини сақлаш” (Москва, 2001 ноябрь)мавзусидаги Халқаро илмий анжуманларда, Киевда 1994 йил ўтказилган МААН қошидаги Ҳамдўстлик мамлакатлари ва Болтиқ бўйи академиялари кутубхоналарининг кенгашида маъruzалар билан иштирок

этдилар.

2013 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ФА кутубхоналарининг виртуал корпоратив тизимини яратиш орқали илмий тадқиқотчилар, профессор ўқитувчилар ва талабаларни илмий-таълимий ахборотлар билан тўла ва тезкор равища таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли Асосий кутубхона ва илмий-текшириш институтлари кутубхоналарининг виртуал корпоратив тизими” мавзусида лойиҳа бўйича иш бошланди. Мақсадга эришиш йўлида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш белгилаб олинди: илмий ахборотларнинг тизими ва турларини, илмий тадқиқот институтларида илмий ишлар учун зарур жараёнлар ва воситаларнинг таҳлили ва таснифи. Библиографик ахборотлар, тўлиқ матнли ахборотлар учун ҳалқаро стандартлар талаби асосида маълумотлар базаси (матнли, видео, аудио) структурасини ишлаб чиқиши;

Ўзбекистон Республикаси ФА кутубхоналарини керакли техник ва дастурий таъминот билан таъминлаш.

Кутубхоначиларга электрон каталог яратиш, электрон кутубхона, китобхонларга замонавий ахборот хизмати, виртуал корпоратив тармоқда ишлаш бўйича маҳсус тренинг курсларини ўтказиши;

Электрон каталог ва тўлиқ матнли илмий-таълимий маълумотлар базасини (диссертациялар, авторефератлар, монографиялар, илмий мақолаларни ўз ичига олади) шакллантириш ва уларни йиғма электрон каталогга улаб қўйиши;

Йиғма электрон каталогга ва илмий таълимий ахборот маълумотлар базасига онлайн мурожаатларни тақдим қилиш, виртуал корпоратив тизими орқали кутубхоналарнинг тезкор маълумотларини олишни таъминлаш;

ФА тизимидағи кутубхоналар ходимларига электрон маълумотлар базасини яратиш, фойдаланиши, электрон каталог яратиш бўйича услубий қўлланмалар ишлаб чиқиши;

Самарали ахборот алмасиши учун ва китобхонларга юқори даражада хизмат қўрсатиши учун Ўзбекистон республикаси ФА кутубхоналарининг

ривожланган виртуал корпоратив тизимини Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг электрон кутубхонасига улаш.

Олдимизда турган долзарб аҳамиятга эга бўлган ишларимиз кўп.

2015 йилга қадар белгилаб олган адабиётлар фондини рақамлаштириш, диссертациялар ва авторефератларнинг маълумотлар базасини яратиш, яратилаётган Захириддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоий, И.А.Каримов, Э.Вохидов, Ў.Хошимов, Ўрта Осиё ва Ўзбекистон тарихи каби мавзулардаги маълумотлар базамизни муентазам тўлдириб бориш. Нашрга тайёрланаётган Алишер Навоий ва бир қатор олимларимизнинг биобиблиографияларини нашрдан чиқариш, электрон биобиблиографияларни интернет тармоғига улаш, “Фан” нашриёти томонидан ва бошқа нашриётларнинг ҳам нашрлари маълумотлар базасини яратиш, Олий аттестация комиссияси томонидан тасдиқланган илмий журналларнинг ҳам электрон каталогини, ҳам тўла матнли маълумотлар базасини яратиш ҳамда шулар асосида Ўзбекистон илмфани ривожининг келугси тараққиёти учун хизмат қиласидиган, ҳисса қўшадиган ёш авлоднинг, илмий ходимларнинг талаб ва қизиқишиларини тўла, сифатли ва самарали қондиришдан иборат. Инновацион ишларимиздан бири кам эътибор бериладиган, оммавий ахборот воситаларида кам ёритиладиган, кам тарғиб қилинадиган кутубхонашунос, библиограф, китобшунос олимларимиз, кўзга кўринган мутахассисларимиз ҳақида “Соҳамиз фидойилари” тўпламларининг нашр этилишидир. Бунда соҳамиз фидойиларининг ҳаёти ва ижоди, педагогик фаолияти ҳақида материаллар, нашрдан чиқарган асарларининг библиографияси бериб борилади. Бу кимдадир соҳамизга қизиқиши уйғотиш, кимдадир қизиқиши шакллантириш, кимнингдир касб маҳоратини ошириш, талабаларнинг назарий ва амалий билимини оширишга, келгусида илмий-тадқиқиот ишларida манба бўлишга ёпдам беради.

2017 йил 12 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги N Ф-4789-сонли Фармойиши, 2017 йил 13 сентябрда қабул қилган “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” ги Қарори ижроси йўлида асосий эътиборимизни ёшларнинг мутолаа маданиятини шакллантириш, китобхонлик фаолиятини тўғри ташкил этишга қаратдик. Мамалакатимизнинг турли вилоят ва туманларида, шаҳарларида жойлашган 135 дан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида ташкл этилаётган кутубхоналар, мактабгача таълим муассасаларида, мактаб, лицей, коллеж, Ҳарбий қисмлар, Ички ишлар, Қуролли кучлар, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар тизимидағи кутубхоналар фондини бойитишда амалий ва услубий ёрдам бериб келдик, маънавий тарбияда, инсон камолотида, илм-фан, умуман жамият тараққиётида кутубхоналарнинг, китобнинг ўрни ҳақида маъruzalар, тақдимотлар ўтказиб келаяпмиз.

ФК ходимларининг маданий, маърифий дам олишларини, сиёсий билимини ошириш борасида кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказилади. Бу тадбирлар баркамол авлод тарбиясида, китобхонларимизнинг илмий, сиёсий билим савиясини оширишда, умуминсоний қадриятларни, миллий меросимизни, миллий урф-одатларимизни қадрлашда муҳим аҳамиятга эга. Ана шундай тадбирлар Ўзбекистон илмининг, фанининг, маданиятининг ривожида ўз ўрнига эга бўлган машҳур кишилар ҳаёти ва ижодига, турли сиёсий, иқтисодий, маънавий долзарб мавзуларга бағишлиб ўтказилди. Ўзбекистон Халқ шоири Эркин Воҳидовнинг 75 йиллик юбилейи, Ғайбуллоғ ас-саломнинг 80 йиллигига хотира кечаси, марҳум кутубхонашунос-библиографларга бағишланган хотира кечаси, “Аёл яратган дунё” (китоб тақдимоти), “Наврӯз байрами”, “Мустақиллик байрамлари, Конституция кунига бағишланган турли хил сиёсий кечалар, талабалар билан ўтказилган тадбирлар шулар жумласидандир. Кутубхона фаолияти мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилмоқда.



Ўзбекистон Халқ ҳофизи Оролмирзо Сафаров тадбир меҳмони, шоир шеърларидан қўшиқлар ижро этди.



Эркин Воҳидов юбилейига бағишланган тадбирда адабиётшунос олим Иброҳим Faфуров сўзламоқда. Э. Воҳидовнинг 75 йиллигига бағишланган тадбир шоир иштирокида бўлиб ўтди ва биз учун ёрқин хотира бўлиб қолди.





40 йиллик танаффусдан сўнг, устозлар ва шогирдлар учрашуви
Хулоса сифатида айтадиган бўлсак бизни соҳамиз фидоийлари кўп
йиллик мashaққатли йилларни, яхши ва унданда яхши дамларни босиб ўтди.

Адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Маънавият ҳаётимизда янги куч, янги ҳаракатга айланиши керак: Президент Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқи // Халоқ сўзи.-2023 й.
 2. 2022 йил 11 май Президентининг 2022 йил 11 майдаги ПФ-134-сон Фармони // Янги Ўзбекистон.-2022 йилю
 3. Ш. Мирзиёев “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” Тошкент:-
Ўзбекистон. 2022 й.
 4. Қосимова О., Есимов Т. Умумий кутубхонашунослик.- Т.: - 1991 й.
 5. Тошкент энциклопедияси «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Т.: -2009 й.
-